


## VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-сентябрда 38,1 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,6 % кўп демакдир.

*2018 йилнинг январь-мартда 13,2 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинган.*

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (23,1 %), саноат тармоғида (22,4 %), қурилиш тармоғида (12,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,8 %), яшаш ва овқатланишда (7,7 %), ташиш ва сақлашда (4,0 %) ташкил этилган.

### 2018 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши




**2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг  
асосий кўрсаткичлари**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>(+-)</i>
<b>Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони</b>	<i>бирлик</i>	<b>229966</b>	<b>257127</b>	<b>27161</b>
<b>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар</b>	<i>бирлик</i>	<b>30799</b>	<b>38073</b>	<b>7274</b>
ЯИМ	%	55,2	50,2	-5,0
Саноат	%	41,2	34,2	-7,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98,5	98,5	0,0
Инвестиция	%	36,6	35,5	-1,1
Қурилиш	%	68,4	68,8	0,4
Савдо	%	88,6	87,0	-1,6
Хизматлар	%	56,2	55,4	-0,8
Юк ташиш	%	54,4	54,6	0,2
Юк айланмаси	%	78,9	80,1	1,2
Йўловчи ташиш	%	90,4	90,9	0,5
Йўловчи айланмаси	%	94,9	95,2	0,3
Экспорт	%	20,7	28,2	7,5
Импорт	%	52,2	57,4	5,2


2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 23,3 бирликда, Сирдарё вилоятида 18,0 бирликда, Жиззах вилоятида 16,7 бирликда, Тошкент вилоятида 15,3 бирликда, Навоий вилоятида 13,7 бирликда ва Қашқадарё вилоятида 13,4 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 10-13 бирлик оралиғида Бухоро, Андижон, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд ва Наманган вилоятларида аниқланди. Сурхандарё вилоятида 9,0 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

**2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда).**




Агар, 2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,4 бирликни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 13,1 бирликка етди ва 2017 йилга нисбатан 1 бирлик юқори.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони**  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда; январь-сентябрь ҳолатига)




Қуйида, 2018 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 34,2 %, қурилишда – 68,8 %, инвестицияда -35,5 %, савдода – 87,0 %, экспортда – 28,2 %, импортда – 57,4 %, ва хизматлар соҳасидаги - 55,4 % улуши аниқ кўрсатилган.

**2018 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**



2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши 50,2 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-сентябрида 55,2 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.


### Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улушининг пасайиши динамикаси январь-сентябрь ҳолатига, %



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши энг кўп Жиззах (77,2 %), Сурхандарё (74,1 %), Бухоро (71,1 %), Самарқанд (70,7 %) ва Наманган (69,7 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда ва 32,6 % га тенг, Қорақалпоғистон Республикасида эса 48,3 % ни ташкил этади.



2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг  
ЯХМдаги улуши



**2018 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг  
худудлар бўйича улуши, %**

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Инвестиция</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>34,2</b>	<b>68,8</b>	<b>55,4</b>	<b>35,5</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	17,7	84,5	57,5	26,0
вилоятлар:				
Андижон	21,6	96,5	72,4	55,8
Бухоро	42,7	84,2	73,2	23,2
Жиззах	66,6	97,0	68,3	43,8
Қашқадарё	22,2	82,8	70,6	11,5
Навоий	14,4	68,1	62,6	14,4
Наманган	69,7	94,2	70,3	37,8
Самарқанд	52,0	98,3	74,1	54,7
Сурхандарё	46,8	81,9	73,1	29,8
Сирдарё	50,9	95,4	64,0	50,4
Тошкент	20,0	74,0	74,3	45,0
Фарғона	35,1	93,8	73,5	54,8
Хоразм	33,9	89,2	69,0	49,3
Тошкент ш.	71,6	73,6	50,2	51,6

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Тошкент шаҳри (71,6 %), Наманган (69,7 %) ва Жиззах (66,6 %) вилоятларига тўғри келади.

Қурилишда - Самарқанд (98,3 %), Жиззах (97,0 %), Андижон (96,5 %) ва Сирдарё (95,4 %) вилоятлари, хизматлар соҳасида Тошкент (74,3 %), Самарқанд (74,1 %), Фарғона (73,5 %), Бухоро (73,2 %), Сурхандарё (73,1 %) ва Андижон (72,4 %) вилоятлари, инвестицияда - Андижон (55,8 %), Фарғона (54,8 %) ва Самарқанд (54,7 %) вилоятлари ташкил этади.

2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 51691,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,2 %) ёки 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 106,8 % ни ташкил қилди;

– 25239,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 35,5 %) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 129,9 % ни ташкил қилди;

– 23158,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,8 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 110,3 % ни ташкил қилди;

– 58303,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,4 %), 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 100,9 % ни ташкил қилди;


– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,0 % ёки 81038,3 млрд. сўми (ўсиш суръати 2,4 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 2644,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,2 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 702,3 млн. АҚШ долларига ёки 36,2 % га кўп;


– автомобил транспорти юк айланмасининг 5,0 %га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 80,1 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 3,0 % га (умумий йўловчи айланмасининг 95,2 %) кўпайиши таъминланди;

### Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан %да)



## 2018 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (20359,8 млрд. сўм), Тошкент (4808,5 млрд. сўм), Самарқанд (4167,5 млрд. сўм) ва Андижон (3453,8 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикасида (1142,7 млрд. сўм) ва Сурхандарё вилоятида (937,1 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (15999,8 млрд. сўм), Тошкент (8771,1 млрд. сўм), Фарғона (7359,6 млрд. сўм), Самарқанд (7099,9 млрд. сўм) ва Андижон (6630,9 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

### 2018 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати




### 2018 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (4786 млрд. сўм), Самарқанд (2106,3 млрд. сўм), Бухоро (2029,9 млрд. сўм) ва Қашқадарё (1984,0 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.


## 2018 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (17226,1 млрд. сўм), Тошкент (5841,2 млрд. сўм), Самарқанд (5271,5 млрд. сўм), Фарғона (4795,0 млрд. сўм) ва Андижон (4150,8 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2018 йил III - чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 996 дан ортиқ респондентлар иштирок этди. Улардан саноат корхоналари – 224 (иштирок этган респондентларнинг умумий сонидан 22 %), қурилиш – 127 (13 %), савдо – 234 (23 %), хизматлар соҳаси – 296 (30 %), кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 115 (12 %), корхоналарини ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланиши**



Худудлар кесимида жами иштирок этган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг улуши Тошкент шаҳрида – 25,5 %, Тошкент вилоятида – 10,2 %, Самарқанд вилоятида – 8,3 %, Фарғона вилоятида – 7,9 %, Андижон вилоятида – 7,0 %. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг улуши 5,8 %ни ташкил қилди.


**2018 йилнинг январь-сентябрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши**



Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 31,5 % иқтисодий вазиятни қулай ва 55,1 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 35,5 % ва 52,6 %, хизматлар соҳасида – 30,4 % ва 57,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 27,0 % ва 54,8 %, саноатда – 32,1 % ва 51,3 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 16,5 %, қурилишда – 13,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 18,3 %, хизматларда – 12,2 % ва савдода – 12,0 % ни ташкил қилди.

### Иқтисодий вазиятни баҳолаш 2018 йил III – чорак учун, %



**Иқтисодий вазият яхшиланиши яқин** уч ойда 65,2 % саноат корхоналари, 67,1 % – савдо, 69,6 % – хизматлар, 66,9 % – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда 62,5 % – қурилиш тармоғида кутилмоқда.

### Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, %



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

